



ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИ ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАРНИНГ ТАҚДИМОТ МАЙДОНИ БЎЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 10 март куни Тошкент халқаро инвестиция форумига тайёргарлик масалалари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Ушбу форум 24-26 март кунларига режалаштирилган бўлиб, унда халқаро ташкилотлар ва молиявий тузилмалар, 56 та давлатдан 1 минг 500 нафардан зиёд йирик инвесторлар ва юқори мартабали меҳмонлар қатнашиши кутилмоқда. Хусусан, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки президентлари, вазирлар, йирик корпорация ва компаниялар раҳбарлари иштирок этади.

Форум доирасида ялпи мажлис ва шўъба мажлислари, давра суҳбатлари, тақдимотлар, брифинглар каби 40 дан ортиқ тадбирлар қўзда тутилган.

Мазкур анжуман мамлакатимиз иқтисодиёти учун зарур бўлган истиқболли лойиҳаларнинг тақдимот платформаси бўлиб хизмат қилади. Юртимиздаги имкониятлар, хорижий инвесторлар учун яратилган

шароитлар ва жозибador йўналишлар таништирилади.

Йиғилишда форумга тайёргарлик ишларининг бориши ҳақида ахборот берилди.

Давлатимиз раҳбари бундай инвестиция форуми Ўзбекистонда биринчи марта ўтказилаётганига эътибор қаратиб, уни юқори даражада ташкиллаштириш бўйича кўрсатмалар берди.

Мамлакатимизнинг халқаро бизнес ҳамжамиятига очиклигини намойиш этиш, ҳар бир тармоқ ва ҳудуднинг инвестицион салоҳиятини кўрсатиш зарурлиги таъкидланди. Йирик лойиҳаларга илғор технологиялар ва инвестицияларни жалб қилиш бўйича аниқ натижаларга эришиш вазифаси қўйилди.

ЎЗА

МУНОСАБАТ

Баҳорнинг илк кунинда давлатимиз раҳбари раислигида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизими ҳамда уларнинг жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида бугунги куннинг долзарб вазифалари муҳокама этилди.

МАҚСАД АНИҚ ВА УЛУҒВОР, ҲАРАКАТДА ЭСА ҲАМОҲАНГЛИК БЎЛИШИ ЗАРУР

Юртимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини янада юксалтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича имкониятлар ҳамда ҳуқуқий кафолатлар яратилган.

Мамлакатимизда соғлом оилани шакллантириш, оилада юксак даражадаги маънавий-ахлоқий муҳитни қарор топтириш учун зарур шарт-шароитлар

яратиш, ёшларни оила қуришга тайёрлаш, оила мустаҳкамлигини таъминлаш ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш, соғлом бола туғилиши ва уни тарбиялаш масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Бу борадаги ислохотлар республикамизнинг чекка ҳудудларига етиб бориши, хотин-қизлар давлатнинг қўллаб-қувватлаши ва ҳимоясида эканлини билиши зарур.

▶ Давоми 3-бетда

ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА

ЗАМОНАВИЙ БУЮК ИПАК ЙЎЛИ: ДУНЁ ТАРАҚҚИЁТИ, ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ БИЛАН ҲАМҚАДАМЛИК

Янгиланаётган Ўзбекистон учун самарали логистика тизимини ташкил қилиш жуда муҳим, стратегик масаладир. Тарихга назар солсак, Ўзбекистон ҳудуди асрлар давомида Европа ва Осиёни боғловчи Буюк ипак йўлининг маркази бўлиб келган. Вақт ўтиши билан денгиз транспортининг ривожланиши, юксалиш нукталарининг Европа ва Америка қитъаларига қўчиши ҳамда бошқа кўплаб омиллар сабаб ушбу савдо-сотиқ йўлининг аҳамияти пасайган.

Бугунги кунга келиб Осиё давлатлари шиддат билан ривожланмоқда, уларнинг жаҳон бозоридаги ўрни, мавқеи тобора ошиб бормоқда. Дунё аҳолисининг салмоқли қисми истиқомат қилаётган Хитой ва Хиндистоннинг ривожлангани эса янги, замонавий Буюк ипак йўлига эҳтиёжни кучайтирмоқда. Бу Буюк ипак йўлининг қўқ марказида жойлашган ва жадал ривожланаётган Ўзбекистон учун икки қитъани боғловчи кўприк сифатида ўз мавқеини янада мустаҳкамлаш, жаҳон бозорига ўз маҳсулотлари, хизматлари билан чиқиш учун катта имконият яратади.

▶ Давоми 4-бетда

ИЛМ-ФАН

УЧИНЧИ УЙҒОНИШ ДАВРИ ТОМ МАЪНОДАГИ РАҚАМЛИ РЕНЕССАНС ДЕМАҚДИР

Учинчи Ренессанс рақамлаштириш шароитида рўёбга чиқиши билан истиқболлидир. Чунки айти пайтда инсон ақл-заковати сунъий интеллект имкониятлари билан бирлашмоқда. Президентимизнинг “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, “Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Электрон тижорат маъмуричилигини такомиллаштириш ва уни янада ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш тўғрисида”ги қарорлари Учинчи Рақамли Ренессансга пойдевор қўйишда дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

▶ Давоми 3-бетда



ҚАРОР ВА ИЖРО

ХАВФСИЗ, ТАРТИБЛИ ҲАМДА ҚОНУНИЙ МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ Инсонларнинг эркин ҳаракатланишига шароит яратган давлатларгина муваффақиятга эришади

Инсон табиятига кўра, ўқиш, ишлаш ва умуман, яшаш учун янги имкониятлар қидиришга интилади. Интилган инсон учун эса бутун дунё имкониятлар майдони. Шу боис, ҳозирги глобаллашадиган дунёда миграция жараёни тобора кенгайиб бормоқда. Халқаро миграция ташкилоти (ХМТ) маълумотиға кўра, ҳозирги кунда дунё бўйлаб муҳожирларнинг умумий сони 281 миллионга яқинлашди. Бу дунё аҳолисининг 3,6 фоизига тўғри келади. Халқаро мигрантларнинг учдан икки қисми меҳнат мигрантлари ҳисобланади.

▶ Давоми 2-бетда



ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ДИНИЙ КОНФЕССИЯЛАР РАҲБАРЛАРИ “ЯШИЛ МАКОН” УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИХАСИ БЎЙИЧА БАЁНОТ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон қадимдан турли миллат ва эътиқодга мансуб инсонлар ўзаро тинч-тотув, аҳилликда яшаб, диний ибодат ва маросимларини эмин-эркин бажариб келган бағрикенг юрт сифатида ном қозонган. Ҳар бир ватандошимиз она заминимизнинг бетакрор табиати, ўсимлик дунёсини асраб-авайлашни ўзининг муқаддас бурчи, инсоний вазифаси деб билади.

Негаки, табиатни асраш, атроф-муҳитни покиза тутиш башарият учун ҳаёт-мамат масаласи, келажак авлод олдидаги долзарб мажбуриятдир. Юртимиз бўйлаб ташкил этилаётган яшил ҳудудлар, обод этилаётган манзиллар эса ана шу мақсад йўлидаги эзгу ташаббусларнинг амалий ифодасидир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан илгари сурилган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида шаҳар ва қишлоқлари-мизда жорий йил 1 мартдан эътиборан “Яшил йиллик” умуммиллий тадбири Ўзбекистонда яшаётган турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари ягона мақсад атрофида бирлаштирди.

Эзгу мақсаднинг амалий қадамлари ўлароқ, Ўзбекистон халқаро ислом академиясида 16 конфессия вакиллари иштирокида бўлиб ўтган учрашувда

ирқи, миллати, диний эътиқодга мансублигидан қатъи назар, барча юртдошларимизни “Яшил йиллик” умуммиллий тадбирида фаол бўлишга ундовчи баёнот қабул қилинди.

Республика бўйлаб мазкур умуммиллий тадбир доирасида ҳар бир ҳудуднинг иқлимига мос, кам сув талаб қиладиган кўчатлар танланиб, уларни етиштириш учун кўчатхоналарни қўлайтириш ҳамда аҳолига камда 10 миллион донна мевали ва манзарали дарахт кўчатини бепул тарқатиш белгиланди. Хайрли ташаббусга халқимиз чин дилдан хайрихоҳлигини кўрсатмоқда. Ушбу ташаббуснинг амалга ошишида турли дин ва миллат вакиллари қўлни қўлга бериб, ягона ва аҳил оила аъзоларидек иштирок этиши албатта, муҳим.

▶ Давоми 2-бетда



www.yuz.uz



yuz.uznews



ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАЖБУРИЙ МЕҲНАТГА ҚАРШИ ҚУРАШИШ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТИ ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

Олий Мажлис Сенати Раиси, Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси раиси Танзила Норбоеванинг “Cotton Campaign” халқаро коалицияси раҳбари Беннетт Фриман билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари муҳокама этилди.

— Сўнгги йилларда мамлакатимизда Президентимизнинг кучли сиёсий иродаси туфайли барча соҳаларда кенг қўлланма ислохотлар амалга оширилмоқда, — деди Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева. — Инсон қадрини улуғлаш, унинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш устувор вазифага айланди.

Мамлакатимизда миллий қонунчиликни такомиллаштириш, уларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, қишлоқ ҳўжалиги соҳасини ислоҳ қилиш, унга бозор тамойилларини кенг татбиқ этиш, соҳани механизациялаштириш, меҳнат учун

муносиб ҳақ тўлаш борасида амалга оширилган ишлар болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатнинг олдини олишнинг асосий омили бўлди.

Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси томонидан тегишли вазирлик ва идораларнинг ушбу соҳадаги фаолияти самарали мувофиқлаштирилмоқда. Шу билан бирга, халқаро ҳамжамият, хусусан, Халқаро меҳнат ташкилоти, АҚШ Давлат департаменти ва Меҳнат вазирлиги ҳамда “Cotton campaign” халқаро коалициясининг таклиф ва тавсиялари асосида ҳам қатор чоралар амалга оширилди.

Мулоқот давомида мажбурий меҳнатдан фойдаланганлик учун жиноий жавобгарлик чоралари

ҳам кучайтирилганлиги, қишлоқ ҳўжалиги соҳасининг ислоҳ қилинганлиги, шунингдек, пахта ишлаб чиқаришни, унинг нархи шакллантирилиши ва мажбурий сотилишини давлат томонидан тартибга солишдан воз кечилгани таъкидланди.

“Cotton Campaign” халқаро коалицияси раҳбари Беннетт Фриман Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси томонидан мажбурий меҳнатга қарши курашишда амалга оширилган саъй-ҳаракатлар амалий ва тизимли эканлиги, унинг натижалари нафақат мамлакатда, балки халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилаётганини қайд этди.

Тадбирда икки томонлама алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантиришга келишиб олинди.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
ЎЗА мухбири

ҚАРОР ВА ИЖРО

ХАВФСИЗ, ТАРТИБЛИ ҲАМДА ҚОНУНИЙ МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ

Инсонларнинг эркин ҳаракатланишига шароит яратган давлатларгина муваффақиятга эришади



Фирдавс ШАРИПОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси

Бошланиши 1-бетда

Меҳнат мигранти нафақат ўз оиласига, юртига, қолаверса, ўзи ишлаётган давлатга ҳам фойда келтиради. Ташқи меҳнат миграцияси иқтисодий, илм-фан, маданий алоқаларнинг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатади. Дунёнинг қайси нуқтасида бўлмасин, хориждан ишлашга келаётган фуқароларнинг қонуний фаолиятини қўллаб-қувватлаб, ҳимоя қилиш муҳим вазифадир. Зеро, инсонларнинг эркин ҳаракатланишига шароит яратган давлатлар иқтисодий муваффақиятга эришган ва эришмоқда.

Кейинги йилларда меҳнат миграциясига эътибор мамлакатимизда ҳам давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Хорижда ишлаётган фуқароларимизга нисбатан муносабат тубдан ўзгарди. Меҳнат мигрантлари билан мулоқот ўрнатилди, оилаларидаги аҳолини, уларнинг муаммо ва эҳтиёжларини ўрганиш ҳамда хал қилиш бўйича янги тизим жорий қилинди.

Соҳада бир қатор амалий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, меҳнат мигрантларини ҳуқуқий, ижтимоий ва моддий томондан қўллаб-қувватлаш мақсадида бевосита масъул бўлган Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги таркибида Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ташкил этил-

ди. Мигрантларни хорижий тилларга ўқитиш, касб-хунари қилиш бўйича нафақат мамлакатимизда, балки хориж давлатларида ҳам ўқув марказлари ташкил этилди. Фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича агентлик, консулликлар фаолияти йўлга қўйилди. Оғир аҳволга тушиб қолган фуқароларга молиявий кўмак бериш учун алоҳида жамғарма ташкил этилди.

Аҳамиятли жиҳати, мамлакатга қайтиб келган ва ижтимоий нуқсон бўлган меҳнат мигрантларига эътибор қаратиш тизими йўлга қўйилди. Хусусан, квоталанган иш ўринлари ажратиш, уларнинг бандлигига кўмаклашиш учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси воситалари ҳисобидан субсидия ва грантлар шаклида молиявий ёрдам бериш амалиёти жорий қилинди.

Хорижий мамлакатлар, нуфузли халқаро ташкилотлар билан давлатимизнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари кенгайтирилди. Жумладан, 2018 йил ноябрь ойида Ўзбекистон 180 га яқин давлат аъзо ҳисобланган Халқаро миграция ташкилотига аъзо бўлди. Бугунги кунда ушбу ташкилот билан ҳам муносабатларга янги ҳаёт руҳ берилмоқда.

Айтиш кераки, Ўзбекистонда мигрантлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш йўналишида халқаро ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш, миллий қонунчилик ва механизмларни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. 2018-2020 йилларда ташқи меҳнат миграцияси соҳасига оид асосий 12 та ҳужжат қабул қилинди.

Бу борада Президентимиз томонидан 2019 йил 20 августда “Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чоралари тўғрисида”ги фармон, 2020 йил 14 сентябрда эса “Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий этиш чора-тадбир-

“ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР, НУФУЗЛИ ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН ДАВЛАТИМИЗНИНГ ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ КЕНГАЙТИРИЛДИ. ЖУМЛАДАН, 2018 ЙИЛ НОЯБРЬ ОЙИДА ЎЗБЕКИСТОН 180 ГА ЯҚИН ДАВЛАТ АЪЗО ҲИСОБЛАНГАН ХАЛҚАРО МИГРАЦИЯ ТАШКИЛОТИГА АЪЗО БЎЛДИ. БУГУНГИ КУНДА УШБУ ТАШКИЛОТ БИЛАН ҲАМ МУНОСАБАТЛАРГА ЯНГИЧА РҲҲ БЕРИЛМОҚДА.

лари тўғрисида”ги қарор имзоланганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Жорий йил 1 март кўни Президентимизнинг “Хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарорда хорижда вақтинча меҳнат қилаётган фуқароларимиз ва уларнинг оилаларига қўллаб-қувватлаш имконияти берилиши, моддий томондан қўллаб-қувватланиши назарда тутилган. Жумладан, 2022 йил 1 июндан Россия Федерацияси, Туркия ҳамда Қозғоғистоннинг тегишли ҳудудларида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг 12 та вакиллик институти жорий қилинади.

2022 йил 1 майдан ҳар йили ҳоким ёрдамчилари ёзма тавсияномасига асосан, боқувчиси хорижда, меҳнат миграциясига чиқиб кетган ва “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида рўйхатда бўлган оилаларга БҲМнинг 2 баробари миқдоридан бир марталик моддий ёрдам кўрсатилади. Меҳнат миграциясига чиқиб кетган фуқароларнинг “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида рўйхатда бўлган ёки “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”дан бирига киритилган, ногиронлиги бўлган оила аъзоларига дори-дармон, ногиронлик аравачалари, эшитиш аппаратлари ва ортопедик маҳсулотлар харид қилиш учун БҲМнинг 5 баробари миқдоридан бир марталик моддий ёрдам кўрсатилади. Уларнинг Ўзбекистонда улар билан бирга яшовчи пенсия ёшига етган ёки

I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган оила аъзоларига касаба уюмчалари тизимидаги санаторий ва профилактик даволаниш муассасаларига бир марталик бепул йўлланма берилади.

Давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган ҳужжатлар меҳнат миграцияси билан боғлиқ жараёнларни ташкилий тартибга солиш, тизим яратиш, оғирлиги муаммоларни тезкор ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Шу билан бирга, очиғини айтиш кераки, фуқароларимизнинг меҳнатга оид ҳуқуқларини бошқа давлатларда оид ҳуқуқларини бошқа давлатларда ҳимоя қилиш билан боғлиқ механизмларни янада такомиллаштириш олдимизда долзарб вазифа бўлиб турибди. Хусусан, ташқи меҳнат миграцияси соҳасидаги ижтимоий муносабатларнинг барча жиҳатларини комплекс тарзда тартибга солувчи қонун ҳужжати қабул қилиш зарурати бор эди. Бу борада замон талабларидан келиб чиқиб, янги ҳуқуқий асос яратилмоқда.

Умуман, мамлакатимизда кейинги йилларда меҳнат миграциясига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ўзга давлатлардаги ҳамюртларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу билан бирга, бошқа давлат фуқароларининг Ўзбекистонда эмин-эркин фаолият юритишига эришиш йўналишларида мутлақо янги ҳаёт, мустаҳкам тизим яратилмоқда. Асосий мақсад — хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини йўлга қўйиш, қайси давлатда меҳнат қилиши, яшашдан қатъи назар, ҳар бир инсонни қадрлаш, интилиш ва эзгу мақсадларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш.

амалга оширилиши зарур бўлган мақсадларни белгилаб олдим.

Аввало, барча МФЙларнинг ўз хизмат биноси бўлади, улар мебель жиҳозлари, компьютер жамланмалари ва интернет билан тўлиқ таъминланади. Ҳар бир маҳаллада кутубхона ташкил этилади. Мазкур тизимда фаолият кўрсатаётган ходимлар салоҳиятини ошириб, тизимни ёш, шижоатли ва билимдон кадрлар билан тўлдирамиз. Шунингдек, тумандаги хотин-қизларни ижтимоий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида гендер тенгликни, бандлиқни таъминлашни, ажримларни кескин қайтаришни ҳам мақсад қилганмиз. Бундан ташқари, маҳалла фуқаролар йиғинларида фаол аҳоли қатлами билан ишлаш орқали ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, фуқароларнинг сиёсий билим даражасини юксалтириш, маҳалла фуқаролар йиғинларида нуронийлар ҳаёт мактабини ташкил этишни режалаштирганмиз.

ЭЗГУ ТАШАББУСЛАР МАСКАНИ

йиғини биноси янгидан қурилди, 27 та маҳалла биноси капитал таъмирланди. Айтиш кераки, нафақат маҳаллалар биноларида, балки одамлар онгида, шуурида ҳам янгиланишлар, ўзгаришлар юз бери.

Ҳозирги кунда туманимиздаги 7 та маҳалла биносини янгидан қуриш бошланган. Туман ҳокимлиги Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йилида худуддаги барча маҳалла фуқаролар йиғинлари учун замонавий бинолар қуришни ўз олдига устувор вазифа қилиб белгиланган. Айни пайтда МФЙ биноларини интернет тармоғига улаш ишлари амалга ошириляпти. Шу йил 22 март — Маҳалла тизими ходимлари кўнига қадар барча маҳаллалар интернет тармоғига уланади.

Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилнинг Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили, деб эълон қилиниши менга катта шижоат берди ва зиммамга юксак масъулия юклади. Раҳбар ходим сифатида ўз олдимга шу йилда

2022 ЙИЛ — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

Гулчеҳра БОБОНАЗАРОВА,
Пахтачи тумани ҳокими ўринбосари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш масалалари бўлими бошлиғи

Ўзгаришлар таққосларда билинади. Пахтачи туманимизда 2020 йилга қадар 26 та маҳалла фуқаролар йиғини ижарада фаолият юритарди. 33 та МФЙ ўз биносига эга бўлса-да, иншоотларнинг ҳолати ачинарли, таъмирталаб, моддий-техник базаси мавжуд эмасди. Компьютер жамланмалари билан деярли таъминланмаганди. Аксарида ҳатто оддий принтер ҳам йўқ эди.

Сўнгги йилларда Президентимизнинг маҳалла ободлиги ва у ерда яшаётган аҳоли фаровонлигини оширишга қаратаётган юксак эътибори туфайли тизимда мисли кўрилмаган ўзгаришлар даври бошланди. Жумладан, 23 та маҳалла фуқаролар



ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ДИНИЙ КОНФЕССИЯЛАР РАҲБАРЛАРИ “ЯШИЛ МАКОН” УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИҲАСИ БЎЙИЧА БАЁНОТ ҚАБУЛ ҚИЛДИ



Митрополит Викентий,
Рус православ церковининг Тошкент ва Ўзбекистон епархияси раҳбари:

“Бугун биз, турли диний конфессия вакиллари йиғилиб, Ўзбекистон Президенти илгари сурган “Яшил йиллик” умуммиллий тадбирини қўллаб-қувватлаш, унда иштирок этиб, муносиб ҳисса қўиш мақсадида баёнот қабул қилдик. Доимо ёдда сақлашимиз лозимки, шу юртини обод қилиш, унинг яшилликка ҳисса қўиш, табиатни соф ҳолда асраш диний эътиқодидан қатъи назар, ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Ушбу эзгу мақсад йўлида барчани ҳамжиҳат бўлишга ва ташаббускорликка қақирамиз.

Инсон бор экан, у яшаётган ҳудуд боғу бустонга айланмиши шарт. Бугун бу ишни амалга ошириш учун барча имкониятлар мавжуд. Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан Орол денгизининг қуриб қолган ҳудудларида олиб борилаётган ишлар мазкур масалага эътиборнинг нақадар юксак эканлини кўрсатиб турибди. Таъкидлаш лозимки, ҳар бир самовий динда табиатга оқилона муносабат, уни асраб-авайлашга қақирқ бот-бот тақоррла-

миясида муҳим ҳужжатни имзоладик. Бу давлатимиз раҳбари ташаббуси билан эълон қилинган “Яшил йиллик” тадбири ижросини 16 та диний конфессия вакиллари биргаликда таъминлаш учун қабул қилган баёнотимиздир.

Барчамиз жадал ривожланиб бораётган замонда атроф-муҳитнинг ўзгариб бораётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Аслида ҳаммамиз она табиатни асраш, ушбу яшилликни сақлаб қолишга ўз ҳиссамизни қўишимиз керак. Бу ҳақиқат барча диний таълимотларда, жумладан, бизнинг динимиз манбаларида ҳам қайта-қайта тақоррланади. Масалан, бизнинг таълимотда агар бир фарзандга ота-бобоси кўчат экиб, боғ қолдирадиган бўлса, ўша фарзанд ушбу боғни қўз қорачигидек асраб-авайлаши, ундан унумли фойдаланиши керак бўлади. Демак, барчамиз атроф-муҳитга, бизга насиб этган неъматларни асраб-авайлашга масъулмиз. Ушбу лойиҳа нафақат Ўзбекистон, балки қўшни мамлакатлар учун ҳам экологик жиҳатдан ўта фойдалидир. Президентимиз илгари сурган бу эзгу ташаббус келгуси авлодларнинг миннатдорлигига сабаб бўлса, не тонг”.

Арамаис Григорян,
Тошкент шаҳри арман апостоллик черкови руҳонийси:



“ЎЗБЕКИСТОННИ БАРЧАМИЗ ЯХШИ КЎРАМИЗ. ЎЗБЕКЛАР — БАҒРИКЕНГ ХАЛҚ. ШУ САБАБ БУ ЮРТДА БАРЧА МИЛЛАТ ВА ЭЛАТ ВАКИЛЛАРИ БИР ОИЛА ФАРЗАНДЛАРИДЕК ЯШАЙДИ. МЕН ҲАР САФАР БУ БАҒРИКЕНГЛИК, МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ЎЗ-ЎЗИДАН ПАЙДО БЎЛИБ ҚОЛМАГАННИ ТАҚОР-ТАҚОР АЙТАМАН. АЛБАТТА, БУ ЎЗБЕКИСТОН РАҲБАРИАТИНИНГ ОҚИЛОНА СИЁСАТИ, ЗАҲМАТЛИ МЕҲНАТНИНГ САМАРАСИ.

нади. Бу даъватга лаббай деб жавоб қилиш бизнинг вазифамиздир”.

Бу оламдаги барча омиллар бир-бири билан узвийликда яратилган. Ўсимликлар дунёсининг таназзули, ўз навбатида, барча тирик жоннинг инқирозини келтириб чиқариши аён ҳақиқат. Дарахтлар атмосферадаги карбонат ангидрид газини қайта ишлаб, кислород ишлаб чиқаради, иқлим кескин исиб кетишининг олдини олиб, мўътадил об-ҳавони таъминлайди. Маълумотларга қўра, дунё бўйлаб ҳар дақиқада 27 та футбол майдонига тенг ҳажмда дарахтзорлар қисқариб бормоқда. Бунга лоқайд муносабатда бўлиш аянчли оқибатларни келтириб чиқаради.

“Ўзбекистонни барчамиз яхши кўрагимиз. Ўзбеклар — бағрикенг халқ. Шу сабаб бу юртда барча миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек яшайди. Мен ҳар сафар бу бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмаганини тақор-тақор айтман. Албатта, бу Ўзбекистон раҳбариятининг оқилона сиёсати, заҳматли меҳнатнинг самараси.

“Яшил йиллик” умуммиллий тадбирини Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир миллат ва конфессия вакили фаол қўллаб-қувватлаши лозим, деб ҳисоблайман. Чунки бу бетакор замин, она табиат бизга Яратган инъом этган улў неъмат ҳисобланади. Албатта, бу ҳам ушбу ташаббусга амалий ёндашиб, Ўзбекистоннинг янада чирой очилишига, яшил макон ривожига муносиб ҳисса қўшамиз”.

Барча диний таълимотларда кўчат экиб, боғ яратиш рағбатлантирилади, атроф-муҳит мусавфоллигини таъминлашга ҳисса қўиш олиқланади. Жумладан, “Қиёмат бўлиб қолсаю, бирортангизнинг қўлида хурмо кўчати бўлса, уни қўйсин”, дейилади муборак ҳадислардан бирида. Ўзбекистонда фаолият юритаётган диний конфессия вакиллари томонидан имзоланган баёнотда ҳам айни шу ҳақиқатлар ўз ифодасини топган.

Турли дин вакилларининг “Яшил йиллик” умуммиллий тадбирини қўллаб-қувватлаб қабул қилган баёноти мамлакатимизда ҳукм сураётган бағрикенглик муҳитининг амалдаги эркин ифодасидир.



Аркадий Исахаров,
Тошкент шаҳри яхудиёлар диний жамоаси раиси:

“Бугун биз, Ўзбекистонда тинч-тотув яшаб келаётган турли эътиқод вакиллари Ўзбекистон халқаро ислом акаде-



Саидахрор ҒУЛОМОВ,
Ўзбекистон Фанлар
академияси академиги,
Шерзод МУСТАФОКУЛОВ,
Қўқон университети ректори,
иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор



ва экспорт қилаётган асосий маҳсулот — Президентимиз асосий бойлик сифатида қайта-қайта эслатдиган инсон мия капитали маҳсули, интеллектуал маҳсулотлар. Ҳар бир шаҳар ва туманда Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган 205 дан ортиқ IT мактаб ва IT истироҳат боғлардан фойдаланган ҳолда, дастурий маҳсулотлар яратиш ва экспорт қилиш ёки ёшларнинг энг кам таъминланган қисмини онлайн тарзда иш билан таъминлаш бўйича ўқув машғулотлари ташкил этиш бугун кун тартибига чиқаётгани бежиз эмас. Зеро, Хитой ва Хиндистон юз минглаб ишсиз ёшларни хорижда ишлаш учун интернет билан жиҳозлаш орқали қашшоқлики кескин камайтирди.

Президентимиз қайта-қайта эътибор қаратадиган яна бир асосий масала — инсон капиталини ривожлантириш, ун-



“**РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ДЕГАНДА КАТТА ҲАЖМДАГИ МАЪЛУМОТНИ ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИ ВА МОБИЛЬ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ОРҚАЛИ ЙИҒИШ, РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЁРДАМИДА ҚАЙТА ИШЛАБ, ЯНГИ ҚОНУНИЯТ ВА БИЛИМЛАРНИ ЯРАТИШ АСОСИДА БИЗНЕС МОДЕЛЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ЭЪТИЁЖИНИ СИФАТЛИ ТАЪМИНЛАШ ТУШУНИЛАДИ. БУНДАЙ ИҚТИСОДИЁТДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ВА КАТТА МАЪЛУМОТ ТАҲЛИЛИНИНГ ЎЗИГА ХОС ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ БОР.**

одамларнинг жамоавий онгини бирлаштиришдир. Янги Ренессанс энда аввалликде Мухаммад Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино ёки Мирзо Улугбек каби буюклар яшаган даврга қислаб бўлмайди. Бу Ер юзюда ўсиб бораётган аҳоли ҳаётининг фаровонлигини таъминлашга хизмат қилувчи Рақамли Ренессанс бўлади. Озиқ-овқат, иқтисодий, ижтимоий, экологик, эпидемиологик ва космик хавфсизлиқни таъминлаш устувор аҳамият касб этади. Инсон фаолиятининг барча соҳасида мия капиталининг ўсиши ва интеллектуализация асосий омил бўлади.

Бугунги иқтисодий модел бундай: ривожланган мамлакатлар бизга рақамли билимлар (дастурий таъминот маҳсулотлари ва бошқалар) ҳамда технологияларнинг нусхасини сотади. Бунинг эвазига биз уларга халқнинг табиий бойликлари (олтин, газ, пахта, мевалар ва бошқаларни) сотамиз, уларнинг бойлиги ошади. Табиий ва моддий бойликлари натижада қамийиб бормоқда. Шу боис, Президентимиз “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегияси, сунъий интеллектни ривожлантириш стратегиясини устувор вазифа сифатида илгари сурмоқда.

Ривожланган мамлакатлар бугун табиий ресурсларнинг атиги 3-5 фоиздан фойдаланиб, қолганини келажак авлодлар учун кейинги минг йилликка сақлаб қўяди. Улар ишлаб чиқараётган

миллий иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётга жорий этиш учун етарли норматив-ҳуқуқий база яратилди. Президентимиз илк бор “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида” ҳамда “Инновацион фаолият тўғрисида”ги қонунларни имзолади. Мазкур соҳаларни тартибга солувчи қонун-ости ҳужжатлар тайёрланди.

Бундан ташқари, олимларимизнинг мавқеи, обрўси, академик легитимлиги ошди. Шунингдек, илмий-инновацион фаолиятнинг инфратузилмасини мустаҳкамлаш чоралари кўрилди ва кўрилмоқда. Президентимиз фармони билан Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси қабул қилинди. Унинг доирасида 40 дан ортиқ илмий ташкилотга зарур ускуналар харид қилиш учун 32 миллион АҚШ доллари, уларнинг бино ва иншоотларини капитал таъмирлаш учун 119 миллиард сўм йўналтирилиб, ускуналар паркни янгилаш бўйича чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Илмий фаолият билан шуғулланувчи илмий даражали кадрларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, нуфузли йўналишлар бўйича илмий мактаблар яратишга қаратилган комплекс чоралар кўрилди. 2018 йилдан буён мутахассисларнинг ойлик иш ҳақи ўртача 2,5 баробар ошди. Илмий фаолиятга молиявий ҳаражатлар эса 3,5 баробар ўсди. Ўз йўналиши бўйича илмий фаолиятда натижа кўрсатган ҳар бир олимни мукофотлаш билан боғлиқ тизим яратилди. Фан номзодларининг ойлик иш ҳақига 30 фоизгача, фан докторлариникига 60 фоизгача устама белгиланди. Бу олимларимизнинг янгиланган яратиш, илмий натижаларини тегишли соҳаларга жорий этиш, амалиётга татбиқ қилиш қўламини оширишга рағбат берди.

Олимларимиз олдига ўз ишланмаларини иқтисодиёт тармоқларига татбиқ этиш, тижорийлаштириш муаммоси мавжуд эди. Энди бу бўйича амалий механизмлар жорий этилди. Илмий-техник ишланмаларни тижоратлаштириш бўйича махсус жамғара ташкил қилинди. Ҳар бир олимга ёки илмий жамоага ўз ишланмалари доирасида тижорат билан шуғулланиш, даромад олишга қаратилган платформа яратилди. Олимлар ўзи яратган ишланма доирасида алоҳида тижорат компанияси, лицензия ёки бошқа тижорат шартномаси билан ишлаб чиқаришни ташкил этиши мумкин. Бунда тижоратлаштиришдан тушган маблагнинг 40 фоизини муаллифга бериш, 30 фоизини илмий жамоага тақсимлаш назарда тутилган.

Бу борадаги кенг қўламли ишлар, халқаро ҳамкорлик кенгайтиши нафақат Ўзбекистондаги иқтисодий ва ижтимоий соҳадаги муаммоларнинг ечимини топиш, балки глобал миқёсдаги муаммоларни ҳал этишга қаратилган илмий-инновацион тадқиқотларни амалга оширишга хизмат қилади.

Олдимизда турган вазифа 2030 йилгача бўлган даврда илм-фанини ривожлантиришнинг асосий ташкилий-иқтисодий, инфратузилмавий, институционал чора-тадбирларни амалга оширишдир. Бунинг учун илм-фан ва илмий-тадқиқот ишларини 2020-2022 йилларда молиялаштириш ҳажмини кенгайтириш ва диверсификациялашнинг мақсадли параметрларига эришиш бўйича комплекс чора-тадбирлар режаси тасдиқланди. Самарали институционал муҳит ва замонавий инфратузилмани яратиш, илмий ишланмаларни иқтисодиёт тармоқлари талабларига мослаштириш, тижорийлаштириш қўламини кенгайтириш, илм-фан ва илмий фаолиятни ривожлантиришда тизимли ёндашув татбиқ этиш чоралари кўрилади.

Мана шу чора-тадбирлар доирасида Фанлар академияси тизимида жамоавий фойдаланиладиган 7 та замонавий лаборатория мажмуаси босқичма-босқич ташкил этилади ҳамда GLP ва GMP жаҳон стандартларига мос ускуналар билан жиҳозланади. Бу мавжуд илмий лаборатория базасининг тубдан янгиланишига олиб келади.

Ҳозир мамлакатимизда тадқиқотчиларнинг ўртача ёши 57 ёшни ташкил этмоқда. 2030 йилга бориб бу кўрсаткич 39 ёш бўлиши керак. Ёшларнинг илм-фанга кириб келиши истиқболли янги йўналишлар — биотехнологиялар, рақамли технологиялар, сунъий интеллект, нанотехнологиялар, водород энергетикаси, геномика, космология, криминалистика бўйича илмий-тадқиқот ишларининг жадаллашишига хизмат қилади.

Мана шу мақсад ва вазифалар юртимизда Учинчи Ренессансга замин яратиш қутлимоқда. Давлатимиз раҳбари эътироф этганидек, халқимизнинг улугвор кудрати жўш урган ҳозирги замонда янги Ўзбекистон янгидан-янги юксак марраларга эришишига, инсоният бахт-саодати, фаровонлиги ва равнақи учун ўрнатилган шубҳа йўқ.



Феруза ЭШМАТОВА,
Олий Мажлисининг Инсон
ҳуқуқлари бўйича вакили
(омбудсман)

Бошланиши 1-бетда

Ҳозирги кунда “Аёллар дафтари”да 630 мингдан зиёд хотин-қиз рўйхатда тургани, улардан 200 минг нафари ишсиз экани ҳамда аёллар ўртасида жиноятчилик, оилада зўравонлик ва тазйик ҳолатлари, афсуски, ҳали ҳам учраётгани кўнчаклик билан қайд этилди. Ушбу рақамлар эса БевоСИТА ИСЛОХОТЛАРИНИНГ барча маҳаллаларда бирдай ишламаларгани, жойлардаги баъзи мансабдор шахслар томонидан мурожаатларга юзак ёндашилаётганидан далолат беради.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолиятининг устувор вазифаларидан бири саналади.

Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)га



2021 йилда 18 минг 738 та мурожаат келиб тушган бўлса, унинг 8 минг 54 таси хотин-қизлар томонидан юборилган.

Тўғри, мамлакатимизда ижтимоий муносабатлар соҳасида юз бераётган барча янгиланиш жараёнлари муайян қийинчиликларсиз кечмайди. Фуқаролар оила-никоҳ муносабатларида тез-тез ана шундай муаммоларга дуч келмоқда ва бу омбудсманга йўллаган мурожаатларда ўз аксини топмоқда.

2021 йилда оилани ҳимоя қилиш билан боғлиқ 391 та мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг 228 тасида оилада аёлнинг турмуш ўртоғи томонидан таҳдириланлиши, 91 тасида воёга етмаганларнинг ҳуқуқлари, 17 тасида оилада турмуш ўртоқларидан бирининг ота-онаси ва яқин қариндошлари томонидан таҳдириланлиши, ана шунчасида фарзандини ўз қарамоғига олиш бўйича, 7 тасида болаларнинг ота-онасининг уй-жойига бўлган ҳуқуқлари ва 31 тасида бошқа ҳолатлар таъкидланган.

Ушбу мурожаатлар омбудсман томонидан назоратга олиниб, тегишли чора-тадбирлар кўрилади. Лекин тан олиш керакки, хотин-қизлар орасида ўз ҳуқуқларини яхши билмайдиганлари ҳам бор. Улар омбудсманга мурожаат қилмаса, биз уларнинг орқикли муаммоларидан беҳабар қолишимиз мумкин.

Давлатимиз раҳбари аёлларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш масаласига алоҳида ургۇ бериб, бугунги кунда тазйик ва зўравонликка учраган аёлларни ҳимояга олиш тизимини такомиллаштириш заруратини қайд этди. Келгусида аёлларнинг тазйик ва зўравонлиқдан ҳимояси суд томонидан таъминланиши, алоҳида

ҳимояга олиш мuddатининг бир йилгача белгиланиши эса уларга етарли даражада психологик, ижтимоий, ҳуқуқий ёрдам берилиши ва иш билан таъминланишига хизмат қилади.

Видеоселектор йиғилишида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш масаласи мамлакатимизнинг тараққиёт стратегиясида энг муҳим йўналишлардан бири сифатида белгилангани ва уларнинг ихросини тизимли, ҳар бир маҳалла кесимида амалга ошириш учун Президентнинг Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисидаги фармони қабул қилингани қайд этилди.

Албатта, ислохотларни ҳар бир маҳалла кесимида амалга ошириш ҳуқуқлари қўпол равишда бузилган ёки четлаб ўтилган хотин-қизларни аниқлаш ва уларга амалий ёрдам беришга замин яратади.

Мамлакатимиздаги ислохотлар кенг қамровли бўлиб, улар хотин-қизларнинг таълим олиши, иш ва уй-жой билан таъминланиши, уларга тенг меҳнат шароитлари яратилиши, бир сўз билан айтганда, ҳар томонлама қўллаб-қувватланишини ўз ичига олади. Йиғилишда давлатимиз раҳбари “Энди ҳар бир маҳаллада аёлларнинг дарди билан яшайдиган тизим бўлади. Қайси аёлга нима кераклиги, ўқиши, даволаниши, болалари тарбияси бўйича меннинг столида адолатли рақам бўлади”, дея таъкидлади.

2022 йил 1 сентябрдан хусусий секторда расмий ишлаётган аёлларга ҳомиладорлик нафақасини давлат томонидан тўлаш тизимини йўлга қўйиш бўйича кўрсатма берилгани хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида муҳим қадамдир. Бу барча учун тенг шарт-шароитлар яратилишига хизмат қилади.



Улуғбек ВАФОЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати

Бошланиши 1-бетда

Мамлакатда аҳоли даромадини ошириш, қўшимча иш ўринлари яратиш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш, уни ташқи бозорларга етказиш орқали кўп томонлама ташқи савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда транспорт логистикаси тизимининг ўрни муҳим аҳамиятга эга.

Самарали логистика тизими ташқи бозорда маҳсулот ҳаракатини оптималлаштириш орқали товар ва хизматларнинг харидорлар учун сифатли, арзон нархларда етказилишини таъминлайди. Бу эса ташқи бозорда мамлакатнинг иқтисодий рақобатбардошлигини ошириб, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувига ижобий таъсир қилади. Шу билан бирга, логистика тизимидаги кичик узилтишлар ишлаб чиқаришдаги катта йўқотишларга олиб келиши мумкин.

Бугунги кунда логистика тизими нафақат иқтисодийни юксалтирувчи ёрдамчи тармоқ, балки иқтисодиёти ривожланган ҳамда қўлай шароитда жойлашган мамлакатларнинг асосий даромад манбаига ҳам айланиб бормоқда. Жаҳон иқтисодиётида логистика тизимидаги янги маҳсулотнинг қарийб тўртдан бир қисми тўғри келмоқда.

Ўзбекистон логистикаси мустиқликкача ва мустиқлик даврининг бошларида фақатгина ички бозор имкониятларига йўналтирилган эди. Тизим шундан келиб чиқиб, корхоналар ўртасида горизонтал равишда ривожланиб борди. Бунда корхоналар ўртасида товар етказиш сифатини оширишга ва маҳсулотни энг кам харажатлар билан етказиб беришга асосий эътибор қаратилди. Шу даврларда мамлакатимиз халқаро транспорт алоқаларида фақат шимолӣ йўлакдан фойдаланди, жанубий, ғарбий ва шарқий халқаро транспорт йўлакларига автомобиль, темир йўл, ҳаво транспорти билан чиқиш имконияти йўқ эди.

Кейинги йилларда замонавий йўл-транспорт инфратузилмасини шакллантириш, дунё бозорларига янги йўллар очиш, чет мамлакатлар билан боғлайдиган илгор транспорт коммуникацияси тармоқларини яратиш бўйича самарали ишлар қилинди. Натижалар ўзаро таққосланганда, охириги йиллардаги кўрсаткичлар аққол кўзга ташланган. Мисол учун, 2005 йил темир йўл, ҳаво, автомо-

биль транспортларида жами юк ташувлар ҳажми 242 миллион тоннани, 2014 йилда 484,9 миллион тоннани ташкил этган бўлса, 2021 йилда 1,45 миллиард тоннага етди. Бошқача айтганда, охириги йилларда жами юк ташувлари ҳажми қарийб **уч баробар ўсган**.

Бундай ўсиш қаердан келди ва нимани аниглайди?

Очиқлик, дўстлик ва яхши қўшничилик сиёсати, барча давлатлар билан ўзаро манфаатли савдо-сотиқ ва иқтисодий алоқалар мустақамланиши мамлакатимиз логистика тизими ривожланишига катта тўртки бўлди.

Экспорт фаолиятини либераллаштириш ва соддалаштириш, экспорт таркиби ва географиясини диверсификация қилиш, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада халқаро иқтисодий муносабатларда Ўзбекистоннинг ўрни ва аҳамияти ортиб борапти.

Иқтисодиётимиз “қон-томирлари” кенгаймоқда

Давлатлараро дўстлик алоқалари мустақамланиши, шунингдек, тўзилаётган янги шарноmalar логистика ривожини учун катта имкониятлар яратмоқда. Бунда иқтисодиётимизнинг асосий қон томири ҳисобланган яна темир йўл тармоғини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, бугунги кунда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Мозори Шариф — Кобул — Пешавор ва Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон транспорт ва транзит йўлакларини яратиш борасида кенг қўлмали ишлар олиб боришмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 3-4 март кунлари Покистонга расмий ташрифи доирасида икки давлат ўртасида Стратегик шериклиқни ривожлантириш бўйича қўшма декларация имзоланиши Мозори Шариф — Кобул — Пешавор темир йўли қурилишида яна бир муҳим қадам бўлди. Бу Ўзбекистон ва Ўрта Осиё мамлакатларида дунё океанига чиқишга энг яқин йўл бўлиб, Жанубий Осиё темир йўл тизимини Марказий Осиё ва Евроосиё темир йўллари билан узвий боғлайди. Европа ва Осиё қитъаларини энг қисқа куруқлик йўли билан боғлайдиган кўприк сифатида Ўзбекистоннинг транзит салоҳиятини оширади. Жумладан, лойиҳани амалга ошириш натижасида Покистондан Ўзбекистонга юкларни ташиш муддати ҳозиргидек 35 кун эмас, балки 3-5 кунни ташкил қилади, юк ташиш нархи пасаяди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, мазкур халқаро темир йўлини қуриш орқали контейнерларни ташиш нархи қарийб уч баробар арзонлашади.

Лойиҳанинг аҳамиятли яна бир жиҳати шуки, Афғонистонни Марказий ва Жанубий Осиёни боғлайдиган кўприк сифатида қўллаб-қувватлайди, шу орқали ижтимоий-иқтисодий, транспорт ва коммуникация муаммоларига ечим топилади. Асосийси, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга ҳам катта ҳисса қўшади.

Қўлай логистика ҳақида гап кетганда, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилиши лойиҳасини алоҳида қайд этиш зарур. У Осиё Тинч океани ва Хитойдан Қирғизистон ҳамда Ўзбекистон орқали юкларни Европа мамлакатларига ташиш учун янги халқаро транспорт коридорини яратди, юкларни етказиб бериш вақтини қисқартиради, мамлакатимизнинг транзит салоҳиятини янада оширади. Қирғизистон

Президентининг Ўзбекистонга ташрифи давомида эришилган келишувларни амалга ошириш бўйича Президентимизнинг тегишли фармойиши билан “Йўл харитаси” тасдиқланди. Унда Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилиши лойиҳасини жадаллаштириш белгиланган.

Шу билан бирга, Осиё Тинч океани мамлакатлари — Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон — Туркменистон — Озарбайжон — Грузия — Туркия — Европа халқаро мультимодал коридор йўналишида юк ташувларини ошириш мақсадида 5 мамлакат (жумладан, Ўзбекистон) ўртасида битим имзоланди. Томонларнинг юк ташувларига имтиёзлар тақдим этган ҳолда умумий тариф ставкалари белгиланди. 2020 йилда мазкур битим доирасида Олмалик кон-металлургия комбинатининг 33 минг 480 тонна маҳсулоти Европага экспорт қилинди. Ушбу транспорт коридорининг Ўзбекистон



ҳудуди орқали транзит ташувлари 2021 йилда 1,7 баробар ошиб, 134,7 минг тоннани ташкил этди. Мазкур мультимодал йўналишни ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича имзоланган 5 томонлама ҳужжатга 2021 йилдан Туркия ҳам қўшилди.

Ўзбекистон, Туркменистон, Эрон, Уммон ва Қатар ўртасида имзоланган Ашхобод битими Марказий Осиё мамлакатлари, Форс кўрфазини ва Уммон портлари ўртасида узлуқсиз юкларни ташиш ва транзит ташувларини амалга ошириш учун ишончли транспорт йўлаги барпо этилишига муҳим асос ҳисобланади. Ўзбекистон — Туркменистон — Эрон — Уммон йўналишида ташувларни ривожлантириш мақсадида Туркменистон ва Эрон ҳудуди орқали юкларимизнинг ташилиши учун 70 фоизгача чеғирмалар олинишига эришилди. Натижада Ўзбекистон ва Эрон ўртасида жами халқаро юк ташувлари 3,4 баробар ошиб, 1,08 миллион тоннани ташкил этди. Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасида эса жами халқаро юк ташувлари 1,4 баробар ошди.

Истиқболли лойиҳалар ҳудудларнинг ижтимоий- иқтисодий ривожланишига хизмат қилади

Халқаро транспорт коммуникацияси тизимида автотранспорт магистралларининг ҳам ўрни бекиёс.

Бугунги кунда республика ҳудудидаги халқаро аҳамиятга эга бўлган умумий фойдаланишдаги 11 та йўналишда автомобиль йўли мавжуд. Уларнинг узунлиги 3 минг 993 километри ташкил қилади. Бу йўللари замонавий талабларга мослаштириш ва техник имкониятларини ошириш борасида тизимли ишлар қилинмоқда. Жумладан, бугунги кунда узунлиги 1 минг 26 километр халқаро аҳамиятдаги автомобиль йўлларининг техник имкониятлари кенгайтирилиб, замон талаблари асосида 4 тасмали ҳолатда қуриш ва реконструкция қилиш орқали фойдаланишга топширилди.

Лойиҳаларда цементобетон қопламали йўллар қуриш, автомобиллар қайрилиб олиш жойларини ер усти ёки ер остидан ўтказиш, йўл ва кўприклар ҳамда транспорт ечимларини мукамал лойиҳалаш ҳисобида хавфсизлик ва қўлайлиқни оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида Жаҳон банкининг “Логистика самарадорлиги” индексида (LPI) Ўзбекистон ўрнини 77-поғонадан паст бўлмаган даражагача кўтариш вазифаси белгиланган. 2030 йилга бориб Ўзбекистон логистик самарадорлиги бўйича энг юқори ўринларда бўлган Германия, Нидерландия, Швеция, Бельгия, Сингапур, Буюк Британия, Япония, Австрия ва АҚШ каби 50 та давлат қаторидан ўрин олиши режа қилинган.

Жаҳон банки томонидан ҳар икки йилда бир марта чоп этиб келинаётган логистика самарадорлиги ҳисоботида эътибор қаратадиган бўлсак, логистика тизимини яхшилаш борасида Ўзбекистонда ижобий тенденция кузатишмоқда. Хусусан, мазкур ҳисоботга кўра, Ўзбекистон 2016 йилда 160 давлат орасида 117-ўринни эгаллаган бўлса, 2018 йилга келиб ўз ўрнини 18 поғонага яхшилади ва 99-ўридан жой олди. Яъни қисқа муддат ичида мамлакатда транспорт инфратузилмаси сифати ошиши, халқаро ташишларни ташкил қилишда қўлайлик яратилиши, юкларни кузатиш ва ўз вақтида етказиш даражаси яхшиланиши ҳисобида логистика самарадорлиги кўрсаткичида ўсишга эришилди.

Тараққиёт стратегиясида Транспорт ва логистика хизматларини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш вазифаси ҳам белгиланган. Бунда 18 та катта, 22 та ўрта ва 80 та кичик шаҳар ўртасида транспорт логистикаси тизими ва инфратузилмасини ривожлантириш, ҳудудларда юклар шаклланишининг асосий нуқталарини ҳисобга олган ҳолда транспорт логистикаси марказлари тармоғини ташкил этиш, халқаро юк ташишлардаги транспорт ҳужжатларини электрон кўринишга босқичма-босқич ўтказиш, юк ташиш харажатларини 30 фоизгача қаматириш, мавжуд контейнер терминалларини давлат-хусусий шериклик асосида ривожлантириш, темир йўлда контейнер ташинлар улушини камида 2 баробар ошириш каби долзарб вазифалар белгиланган.

Ҳаво транспорти — ташқи иқтисодий алоқалар ривожига муҳим йўналиш

Темир йўл ва автотранспорт билан бир қаторда ҳаво транспорти логистикасини ривожлантириш бўйича ҳам бир қатор вазифалар белгиланган. Жумладан, Самарқанд халқаро аэропортини ийрик транспорт хабига айлантириш, бунда маҳаллий йўналишлар бўйича парвозлар сонини ҳафтасига 7 тадан 20 тагача, географиясини 4 та йўналишдан 5 тагача ошириш, халқаро йўналишлар бўйича парвозлар сонини ҳафтасига 25 тагача, географиясини 4 та йўналишдан 8 тагача ошириш, “очиқ осмон” режимини жорий этиш ҳисобида 8 та хоржий авиакомпанияни жалб қилиш ва 17 та янги мунтазам халқаро йўналишни йўлга қўйиш режалаштирилган. Шунингдек, Тошкент ва Фарғона vodiysida халқаро аэропортларни ривожлантириш чоралари қўрилади.

Юртимиздаги ислохотлар натижасида иқтисодиётимиз янада юксалади, ташқи иқтисодий алоқалар кенгайди, логистика тизими ривожланади. Бу рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши, хизматлар кенгайиши, уларнинг ташқи бозорларга чиқиши, пировардида, юртимизда қўшимча ва барқарор иш ўринлари яратилиши, аҳоли даромадлари ошишига хизмат қилади.

ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ



Шўҳрат КАМОЛОВ,
Фарғона вилояти суди раиси

Президентимизнинг жорий йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони ана шу эзгу мақсадларни тўлиқ рўёбга чиқаришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Тараққиёт стратегиясининг иккинчи йўналишида белгиланган мақсад ва вазифалар кейинги

ТЕРГОВ УСТИДАН СУД НАЗОРАТИ КУЧАЙТИРИЛАДИ

Дунёда “хуқуқ устуворлиги индекси” юқори бўлган давлатлар барча соҳаларда жадал тараққиётга эришган. Бундай мамлакатларда одил суд тизимининг асосий вазифаси фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари билан муносабатларида қонун устуворлигини таъминлаш, хуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишдан иборат.

беш йил давомида суд-хуқуқ тизимида амалга оширилган ислохотларнинг мантикий давомидир. Демак, яқин истиқболда юртимизда судлар фаолияти янада шаффофлашади. Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг хуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг янги, самарали тизими яратилади.

Жорий йилдан бошлаб ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга фуқаролик ва маъмурий ишлар бўйича давлат ҳисобидан бепул юридик ёрдам кўрсатиш тартиби жорий этилади. Бундай амалиёт илгари фақат жиноят ишлари бўйича судларда қўлланарди. Бу йил суд тизимида “ягона дарча” тамойилини кенг жорий этиш мақсадида айрим тартиблар ўрнатилган.

Хусусан, иш фуқаролик, иқтисодий ёки маъмурий судга тааллуқли бўлишини қатъи назар, у ушбу судлар томонидан қабул қилинади ва тааллуқлилиги бўйича тегишли судга юборилади. Яъни судга қиритилган даъво ариза ва шикоятларни улар мазкур судга тегишли эмаслиги сабабли қабул қилишни рад этиш каби амалиётга чек қўйилади.

Шунингдек, давлат идоралари томонидан етказилган зарарни қоплаш ва бошқа хуқуқий оқибатларга оид масалаларни ҳал қилиш бўйича маъмурий судлар ваколати аниқ белгиланади.

Ҳозир маъмурий судлар томонидан маъмурий органларнинг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) қонунга хилоф деб топилганда, унинг оқибатида келиб чиққан зарарларни ундириш фуқаролик ва иқтисодий судларда ҳал этилади. Энди оммавий-хуқуқий муносабатдан келиб чиқадиган низо юзасидан иш тўлиқ маъмурий судлар томонидан қўрилади ва ҳал қилинади.

Дарҳақиқат, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари билан муносабатларида қонун устуворлигини таъминлаш, уларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш маъмурий судларнинг биринчи галдаги вазифаси ҳисобланади.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида жамиятда маъмурий судларга бўлган ишончини янада ошириш мақсадида давлат органлари томонидан суд қарорлари ижро этилиши устидан

назоратнинг таъсирчан механизмлари жорий қилиниши, адолат ва қонун устуворлиги асосий мақсад сифатида белгиланаётгани эътиборга лойиқ.

Тараққиёт стратегиясига мувофиқ, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини ошириш мақсадида “Хабеас корпус” институтини янада ривожлантириш орқали тергов устидан суд назорати кучайтирилади. Шунингдек, суд процессида томонларнинг ҳақиқий тенглик ва тортишув тамойиллари рўёбга чиқарилади.

Бундан ташқари, суд тизимини босқичма-босқич рақамлаштириш, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш орқали фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражаси тубдан оширилади.

Низоларни ҳал этишнинг муқобил усулларидан кенг фойдаланиш учун зарур ташкилий-хуқуқий шарт-шароитлар яратилади. Ярашув институтини қўллаш доираси янада кенгайтирилади.

Судьялар ҳамжамияти органларининг суд ҳокимиятининг чинакам мустиқчилигини таъминлашдаги ролини янада ошириш, судьяларнинг ўзини ўзи бошқариш тамойилини кенг жорий этиш ҳамда судьяларга ғайриқонуний тарзда таъсир ўтказишнинг олдини олиш бўйича таъсирчан механизмлар яратилади.

Яна бир муҳим жиҳат шуки, жорий йилдан судьялар корпусини шакллантиришда очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, тизимдаги раҳбарлик



лавозимларига тайинлашда сайланиш ва ҳисобдорлик каби демократик тамойилларни жорий этиш кўзда тутилмоқда. 2022 йилдан судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, малакасини оширишни тубдан ислох қилиш режалаштирилмоқда. Мазкур жараёнга хоржий мутахассислар ҳам жалб этилади.

Хулоса ўрнида айтганда, суд-хуқуқ тизими ислохотлари замирида инсон хуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини самарали ҳимоя қилишдек эзгу мақсадлар мужассам этилмоқда. “Инсон қадири учун” тамойилини ҳаётга кенг татбиқ этишда бу жуда муҳим аҳамиятга эга.

ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИМА БЕРАДИ?



Ватан ичра “кичик Ватан” қилиш ниятида ер сотиб оламиз. Унга иморат қуриб, номимизга расмийлаштирамиз. Аммо турар жой биносигина бизнинг мулкимизга айланади. Ер эса давлат мулки бўлиб қолаверади. Бойси, шу вақтгача давлат фуқарога ер участкасини фойдаланиш, эгаллик қилиш учун ёки ижарага берган.

Эндиликда бу тартиб ўзгармоқда. Юртимизда жисмоний ва юридик шахслар ўзларига тегишли ер участкаларини хусусийлаштириши мумкинлигига оид тегишли қонун ва ҳукумат қарори кучга кирди. Унга кўра, ер участкасига мулк ҳуқуқи белгилангандан сўнг ерни мулкдордан фақат сотиб олиш мумкин бўлади. Агар фуқаро ер участкасини бериш ёки сотишни истамаса, унинг давлат ва жамият эҳтиёжлари учун шунчаки олиб қўйилишига йўл қўйилмайди.

“Снос” — қўпчиликини қийнаб келаётган масала. Айни шу бойс, ушбу янгилик юрдошларимизда қизиқиш уйғотди. Тахририятимизга йўлланган сўровлар орасида “Биз яшаб турган ҳовлимизнинг ери ўзимизга тегишли эмасми, уни хусусийлаштириш учун қаерга мурожаат қилишимиз керак, хусусийлаштириш тартиби ва тўлови қандай?” каби саволлар кўп бўлди. Шу мазмундаги саволларга жавоб топиш, масалага аниқлик киритиш мақсадида мутахассисга мурожаат қилдик.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 февралдаги тегишли қарори билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларига доимий фойдаланиш (эгаллик қилиш), ижара ва мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгаллик қилиш ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш бўйича давлат хизматлари кўрсатишга

доир маъмурий регламент тасдиқланди, — дейди Давлат кадастрлари палатаси раиси Моҳир Валиев. — Бу нима дегани? Биламизки, шу кунгача фуқароларга тегишли уй-жойлар жойлашган ер участкалари, мерос қилиб қолдирилган умрбод эгаллик қилиш ҳуқуқидаги ерлар, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган нотурар жой объектларининг ер участкаларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи берилар эди. Яъни бино сизники бўлса ҳам, ер участкаси давлатга тегишли бўлган. Шу бойс, кўпчилик ер участкасини давлат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши мумкинлиги ёки исталган вақтда ер майдони “снос”га тушишидан хавотирланиб яшайди. Янги регламентга кўра эса ер участкаси мулк ҳуқуқи асосида сотилиши белгиланди. Бу, энг аввало, фуқаронинг ер участкасига бўлган мулкчилик ҳуқуқини кафолатлайди. Яъни ҳовлиси жойлашган ер майдони ҳам уй эгаси-

нинг ўзига тегишли бўлади. Энди ерни мулкдордан ҳеч ким олиб қўя олмайди, фақат бозор нархида сотиб олиши мумкин.

Ер участкасини хусусийлаштириш мутлақо ихтиёрий. Бунинг учун фуқарони мажбурлаш қонунан тақиқланади. Талабдор тегишли тўловни амалга оширгач, ер унинг хусусий мулкига айланади.

Хусусийлаштириш тартиби қандай?

Аксарият хориж давлатларида бу тартибга қўлланилади. Фуқаро ўзи яшаб турган ерга ўзи эгаллик қилгани ҳолда, уни рози қилмасдан туриб, ер участкасини сотиб олишининг имкони йўқ. Қўллаб инсонлар турар жойи ерини сотишдан бош тортгани сабаб, турли давлатларда йирик лойиҳалар бир неча йилга қўзғилиб кетгани ҳақида ҳам эшитганмиз.



“Хусусийлаштириш жараёнида ҳар бир жисмоний ва юридик шахс ўзига тегишли бўлган ер участкасини фақат ўзи сотиб олиши мумкин. Бу ер аукционга қўйилмайди, бошқа одам сотиб олиши ёки ўзга кишига ўтиб кетиши ҳам мумкин эмас. Яъни мулкдорнинг ихтиёридаги ер участкасига унинг розилигисиз ҳеч ким дахл қила олмайди.



сусийлаштириш жараёни 22 иш кунига, бўш ерлар аукцион орқали сотиб олинганда эса 16 иш кунигача бўлган муддатда амалга оширилади.

Ер участкаларини хусусийлаштириш учун тақдим этилган ариза Кадастр агентлиги ва қурилиш бўлимларига йўналтирилади. Давлат кадастрлари палатасининг туман (шаҳар) филиаллари ер участкаси ариза берган фуқаронинг номига расмийлаштирилганми ёки йўқ, яъни рўйхатдан ўтказилганини текширади. Мазкур ер участкаси ўзгармагани, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридаги маълумотларга мувофиқлиги, объект бўйича тақиқ ва чекловлар мавжуд эмаслиги жойига чиққан ҳолда ўрганилади. Кадастр хужжатлари, хусусийлаштиришга монелик қилмайдиган барча томонлар текшириб чиқилади.

Қурилиш бўлимлари эса ер участкаси жойлашган ҳудуднинг шаҳарсозлик меъёrlapи, қуриш хужжатларига мослигини ўрганади. Шундан сўнг фуқарога хусусийлаштириш учун тўловни тўлаш ҳақида хабарнома юборилади. Хусусийлаштириш тўлови мулкдорлар ва ердан фойдаланувчилар учун ўша кунда белгиланган базавий солиқ ставкасининг 20 баробари этиб белгиланган.

Тўлов амалга оширилгач, давлат активларини бошқариш ҳудудий бошқармаси ер участкасига мулк ҳуқуқини берувчи давлат ордерини расмийлаштиради. Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий бошқармаси эса ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказди.

Сизга тегишли ер участкаси аукционга қўйилмайди

Қонунийлик, ихтиёрийлик, ҳақ тўлаш, хусусийлаштирилаётган ер участкалари ва уларда жойлашган кўчмас мулк объектларининг яхлитлиги, очиқлик ва шф-

фофлик — булар ер участкаларини хусусийлаштиришнинг асосий принциплари ҳисобланади. Шулاردан бирига амал қилинмаган тақдирда ҳам хусусийлаштириш амалга оширилмайди.

— Баъзан фуқаро ўзи эгаллаб турган ер участкасини хусусийлаштириш учун ариза беради-ю, айрим сабабларга кўра, хусусийлаштириш рад этилади ёки фуқаронинг ўзи томонидан бекор қилинади, — дейди М.Валиев. — Балки белгиланган тўловни тўлаш ёки бошқа ҳуқуқий масалаларда юзага келган муаммо бунга сабаб бўлиши мумкин. Бундай вазиятларда ер участкаси хусусийлаштирилмайди. Бироқ бу ер участкасига бўлган

аввалги ҳуқуқ бекор қилинади, дегани эмас. Олдинги ҳуқуқ қандай бўлса, шундайлигича сақланиб қолади.

Ер участкасига бўлган мулкдорлик ҳуқуқи фуқарога нафақат бино-иншоот, балки унинг ерини ҳам алоҳида сотиш имконини беради. Шунингдек, бу ердан гаров объекти сифатида фойдаланиш мумкин. Ерни мулк сифатида банкка гаровга қўйиб, ипотека кредити олиш имконияти ҳам бор.

Хусусийлаштириш жараёнида ҳар бир жисмоний ва юридик шахс ўзига тегишли бўлган ер участкасини фақат ўзи сотиб олиши мумкин. Бу ер аукционга қўйилмайди, бошқа одам сотиб олиши ёки ўзга кишига ўтиб кетиши ҳам мумкин эмас. Яъни мулкдорнинг ихтиёридаги ер участкасига унинг розилигисиз ҳеч ким дахл қила олмайди.

“Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 34-моддасида белгиланган жиҳатлар бундан мустасно. Аниқроғи, айрим ҳолларда хусусийлаштирилган ер мулкдордан олиб қўйилиши мумкин. Хусусан, ер давлат ва жамият эҳтиёжлари учун сотиб олинганда, ерга ижро хужжатлари бўйича ундирув қаратилганда, ер мусодара қилинганда ва эпидемия, табиий офат вақтида ер реквизиция қилинган тақдирда олинади.

Айтиш жоизки, қонунчиликда шу вақтгача ер участкасига нисбатан мулк ҳуқуқи бўлмаган. Янги тизим сўнгги йилларда юртимизда ер соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг самарасидир. Энди одамлар нафақат ҳовли-жой, балки ер участкасининг ҳам қонуний мулкдорига айланади. Бу ерга эгаллик қилишни истаган ҳар қандай одам эндиликда мулкдор билан ҳисоблашади. Асосийси, хусусий мулк дахлсизлиги қонуний ҳимояланади.

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР



Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган инсон — меҳрибон она, ғамхўр устоз, тажрибали шифокор ва қалби меҳрга тўла раҳбар Марияш Туримбетова. Бу аёл меҳнатқашлиги, фидойилиги ва самимийлиги билан нафақат қорақалпоқ диёрида, шу билан бирга, бутун мамлакатимизда кўпчилик одамлар қалбидан жой олган.

Марияш опа меҳнат фаолиятини 1974 йили Тошкент давлат тиббиёт институти нимомида, Қорақалпоғистон Республикаси 1-шифохонасида бошлаган.

25 йил, яъни чорак аср давомида Марияш опа 1-Нукус тиббиёт билим юртида ўқитувчи, ундан сўнг директор ўринбосари, директор лавозимларида фаолият олиб борди. Кўплаб ёш шифокорларга устозлик қилди. Айни пайтда тажриба тўплади, ўрганди ва ўргатди. Ўз билими ва ташаббускорлиги, фаоллиги билан халққа танилди.

Илмий соҳада изланишлар олиб бориб, 2003 йили тиббиёт фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди. Изланишлари давомида ўттиз бешга яқин илмий асар ва методик қўлланма чоп эттирди. Ҳаёт тажрибасида тўплаган билимини олти йил давомида Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири вазифасида ишлаган

пайтида ишга солди. Халқ саломатлиги йўлида меҳнат қилди.

Албатта, тиббиёт соҳаси машаққатли ва масъулиятли эканлигини яхши биламиз.

Қорақалпоғистон Орол денгизи қуриши оқибатида экологик оғир ҳудудга айланган. Ушбу ҳудудда яшаётган ҳар бир инсоннинг саломатлиги хавф остида эди. Президентимиз ташаббуси билан вазият оғир бўлишига қарамадан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан аҳоли саломатлигини яхшилаш борасида самарали ишлар амалга оширилди. Беморларни даволаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга бутун жамоа ҳамжиҳатлиқда ёндашди. Оғир шароитда яшаб, меҳнат қилаётган халқнинг соғлом турмуш тарзини тиклаш борасида саломатлик қонунларининг заҳматли меҳнатлари бе-самар кетмади. Марияш Туримбетова

ўзининг бор билим ва тажрибасини ишга солди. Чет давлатлардан малакали шифокорлар жалб қилди. Натижада аҳоли ўртасида касалликлар маълум даражада камайди.

Қаҳрамонимиз Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Саломатлик-2” ҳамда “Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш” қўшма лойиҳасини республикада амалга ошириш бюросининг директори бўлиб ишлаётган пайтларида ҳам она ва бола саломатлигини тиклаш йўлида имкон қадар вазиятни яхшилашга, болалар ўлимини камайтиришга ҳаракат қилди. Интилишлар самарасида оғир кунлар ортда қолди. Қорақалпоғистонда соғлиқни сақлаш тизими янги поғонага кўтарилди.

Сўнгги 4-5 йил ичида соғлиқни сақлаш тизимида катта ўзгаришлар, ривожланишлар рўй бермоқда. Малакали шифокорлар илгари имкони бўлмаган мураккаб жарроҳликларни амалга ошириши барчамизни қувонтиради.

М.Туримбетова 2012 йилдан буён 2-Нукус тиббиёт коллежи директори лавозимида ишлаб келмоқда. Билим юртида таълим олган минглаб мутахассислар шаҳар ва туманларда тиббиёт соҳаларида фаолият юритмоқда. Билим юрти Ўзбекистон миқёсида ҳар томонлама намунали таълим муассасаси ҳисобланади. Ҳар бир ўқув хонаси



замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Креатив фояларга бой қилиб безатилган кутубхона, дарсхона, лабораторияларда иштиёқ билан илм сирларини ўрганиш мумкин.

Марияш опа тиббиёт фанлари доктори, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими, 2018 йилдан ҳозирги вақтгача Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳузуридаги илмий кенгаш

аъзоси. Бу фидойи инсоннинг меҳнатлари эл эътирофиди.

Ўзбекистон Республикаси “Йил аёли — 2018” миллий танловининг республика босқичи ғолиби, “Йилнинг энг жонқуяр устози” номинацияси совриндори. 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитасининг “Муътабар аёл” кўкрак нишонига сазовор бўлди. Бир неча бор халқ депутатлари Нукус шаҳар Кенгашига, Қорақалпоғистон

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

АЁЛ ҚАДРИ, ОБРЎСИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТ ЮКСАКЛИК САРИ БЎЙ ЧЎЗАДИ

Оқила ва зарифа аёлларимиз уйғоқ экан, кўнгилда хотиржамлик, оилаларда файз, юртимизда яшаш ва яратиш завқи сўнмайди. Бу йилги баҳор миллат аёлининг кўксига яна бир қувонч, яна бир улутворлик, ишонч ва масъулиятни қадади.

Баҳорнинг илк куни, яъни 2022 йил 1 мартда “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармони эълон қилинди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раислигида хотин-қизлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.



Мунаввара УСМОНОВА,
“Саодат” журнали бош
муҳаррири, Ўзбекистон
Республикасида хизмат
кўрсатган маданият ходими

Президентимиз “...Бугунги кунда муҳтарам опа-сингилларимиз жамиятимизда олиб борилаётган ўзгариш ва янгиланишлар жараёнида, бошқарув тизимида, тадбиркорлик, илм-фан, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат соҳаларида, маҳаллаларда қанчалик фидокорона меҳнат қилиб келаётганини ҳаммамиз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз”, — дея мамлакатимизнинг фаол ва фидойи хотин-қизларини алоҳида эътироф этиб ўтди.

Ҳамиша ва ҳамма даврларда ҳам тараққиёт пойдевори ўзини унутиб, ҳамиша ўзгаларга яхшилик соғиниб яшайдиган, эл тинчлиги, юрт тараққиёти, миллат маънавияти, соғлом авлод камолоти учун хизматга шай бўлган инсонлар ҳаракати ва меҳнатлари эвазига қад ростлайди.

Олий Мажлис Сенати раиси лавозимига мамлакат тарихида илк бор аёл киши — Танзила Нурбоевнинг раис этиб тайинлангани, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (ОМБУДСМАН) этиб Феруза Эшматованинг сайлангани, айрим туманларда аёл ҳокимлар етакчилиги қилаётгани каби фактлар фикримизда яққол мисол бўла олади. Тошкент давлат шарқшунослик университети ректори этиб Гулчехра Рихсиеванинг тайинланиши, юртимиздаги 11 та халқаро аэропортни ўз ичига олган “Uzbekistan Airports” АЖга раҳбар этиб Раъно Жўраеванинг муносиб топилигани, ўзбек оиласида камолга ет-

ган Азиза Шоназарованинг Колумбия университети профессори макomini биринчилардан бўлиб олгани, яна бир ҳамюртимиз Нигора Ҳакимованинг Оксфорд университетининг исломшунослик марказида ўзбекистонлик илк тадқиқотчи аёл бўлгани ва яна қўллаб-қувватлаш етакчилиги, фидойилиги ғурулантиради.

Зеро, ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, ён-атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил ёндаша оладиган, айни замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялаётган аёллар бугунги кун қаҳрамонларидир.

Янги Фармонда оила, хотин-қизлар ва кекса авлод вакиллари билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш, маҳаллаларни қўллаб-қувватлашни янада такомиллаштириш, маҳаллабай ишлашга масъул бўлган шахслар фаолиятини самарали ташкил этиш ва ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида қатор вазифалар белгилаб берилган. Жумладан, хотин-қизларнинг таълим ва касбий кўникмалар олиши, муносиб иш топишига ҳар томонлама қўмаклашиш, тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, иктидорли ёш хотин-қизларни кириш ва уларнинг қобилиятини тўғри йўналтириш асосий вазифа қилиб белгиланди. Гендер тенгликни таъминлаш сиёсатини давом эттириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлашга доир ислохотларни амалга ошириш эса галдаги вазифа бўлди.

Худудларда, айниқса, қишлоқларда хотин-қизларга кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини ошириш, турар жойга муҳтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш, турмуш ва меҳнат шaroитларини яхшилаш, даромадларини кўпайтириш борасида тизимли чора-тадбирларни белгилаш, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш, уларни “Аёллар дафтари” орқали манзилли қўллаб-қувватлаш долзарб вазифа этиб белгиланди.

Шу ўринда бир ҳаётий мисолни келтириб ўтмоқчиман. Қашқадарёлик тадбиркор аёл Саломат Комилова ҳақида журналимиз саҳифасида мақола берилди. Қаҳрамонимизнинг таъкидлашича, тадбиркорлиқни илк бошлаган кезларида опа ўзи учун бир дафтар юритиб, қишлоғидаги ёлғиз ва кам таъминланган оилаларга даромадидан баҳоли қудрат ёрдам кўрсатиб юраркан. “Аёллар дафтари”, “Темир дафтар” ташкил этилиб, ижтимоий муҳофазатга муҳтож хотин-қизларга манзилли ёрдам кўрсатиш давлат сиёсати даражасига кўтарилиши шу каби фидойи, эзгу ниятли юртдошларимиз орзусининг рўёбига айланди.

Фармонда оилада таълим-тарбияни мустаҳкамлаш, оилавий қадриятларни сақлаш, маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш ва уларнинг фаровонлик даражасини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Дарҳақиқат, бугунги тезкор замонда руҳиятимизда ўзгариш сезилди, ҳаётимизга турли ёт ғоялар, бузғунчи мафкуралар соя сола бошлади. Бу эса, энг аввало, оиллага ўз таъсирини ўтказа бошлади. Зотан, давлатимиз раҳбари “...Ҳозирги замонда маънавий нуқтаи назардан “ухлаб ётиш”га, қолайд бўлишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Барча фожиа ва муаммолар, ватанга, миллатга, келажакка хиёнат айнан қолайдликдан бошланади. Яна бир бор айтаман, дунёдаги қалтис вазият, сиёсий “уйин”лар барчамизни сергакликка ундаши керак. Жаҳонда кечаётган геосиёсий ва мафкуравий жараёнларни чуқур таҳлил қилиб, улардан хулоса чиқарган ҳолда, йўлимизни тўғри танлашимиз зарур”, дея куйиниб гапирганди.

Бугун дунёда манфаатлар тўқнашуви кучаймоқда. Улар эса инсоният учун беқияс янги имкониятлар билан бирга, қўтилмаган муаммоларни ҳам келтириб чиқаряпти. Миллий ўзлик ва маънавий қадриятларга қарши таҳдид ва хатарлар тобора ортмоқда. Фақат ўзини уйлаш, меҳнатга, оиллага енгил қараш, истеъмолчилик кайфияти турли йўллар билан одамлар, айниқса, ёшлар, хотин-қизлар онгига устамонлик билан сингдириляпти.

Биз танглайи меҳр-оқибат, эзгулик, меҳнат-севарлик билан кўтарилган халқимиз. Шажараси буюқ, дунёга илм машъалани ёққан миллатимиз. Ўзини таниган, ўзлигини англаган аждодлар во-рисларимиз. Юқоридagi ҳолатларга қарши тура олиш учун давлатимиз раҳбари обрў-эътиборли, катта ҳаётий тажрибага эга “Оқила аёллар” ҳаракатини ташкил қилишни тақдир этди ва “...Бу ҳаракат том маънода “маҳалланинг виждони”га айланиши керак. Чунки маърифатли жамиятни маърифатли оналарсиз қуриб бўлмайди”, — дедилар.

Оналарга бўлган самимий эътирофларини тинглар эканман, тунлари бешикада ётган укамга алла айтиб қашта, қамалан ранг сўзаналар тикан, “чарчадим” демасдан бир этак болага эртак, дostonлар ўқиб, уларнинг юрагига эзгулик ниҳолни қадаган онам ва барча оналар кўз олдимга келди.

Иккинчи жаҳон урушида жанг жадаллаб бораётган пайтда ҳам момоларимиз қўл қовуштириб ўтирмаган, далага чиқиб меҳнат қилган, хатто сандиғидаги мерос — зеб-зийнатгага “аскарлар учун” деб бериб юборган. Ўзи бўз қўйлақда, бир тишлам зогорага зор қолган пайтларидан ҳам бола тарбия қилган. Тол шохига илинган беланчақлар устидан ёзилган оғулар оналар юрагини қонатган пайлада ҳам қўш ҳўкизга қамчи уриб, ердан дон ундирган.

Бугун давр ўзгача, қарашларимиз ўтти, қадимларимиз дадил, юрагимизда умид ва фахр. Жаҳон майдонларида ғолибликни қўлга киритиб, юрт байрогини қўққа кўтараяётганлар орасида опа-сингилларимиз ҳам борлиги ғуруримизни осмон қадар кўтарди. Президентдан рағбат, ҳуқуқматдан мадад кўрганлиги учун оддий деҳқон аёллари меҳнатни қаҳрамонлик даражасига кўтара оляпти. Чунки табиятдан аёл зоти юртни бирлаштиришга, одамларнинг дardини тинглаш, оғирни енгил қилишга мойил бўлади. Унинг юраги меҳр-муҳаббат ва самимият туйғулари билан жўшиб туради. Аёллар бу олижаноб туйғу билан қай



бир ишга киришсалар, ғайрат ва шижоатларини аямайди.

Едингизда бўлса “Суюнчи” фильмидаги Анзират момо қайвони онахон ва отахонлар билан бирга қишлоқ кезади. Кимнинг бўйи етган қизи бор, ким касал отасидан хабар олмапти, кимнингдир дарвозасига қўлф солинганию, ким оиласига бефарқлиги, бузилган кўпригу ботқоққа ботган кўчалар — ҳамма-ҳаммасини билади, қайғуради, қўллашиб ечим топишга ҳаракат қилиб қишлоқнинг виждони айланади. Бугун бизнинг ана шундай қайвони оналарга эҳтижимиз бор. “Саодат” журнали ҳам ўз саҳифаларида ўша элга маълуму машҳур “Ростонбуви” рубрикасини қайта тиклади. Опа-сингилларимиз дардига малҳам бўлиб, шодлигини элга суюнчилашнинг энг мақбул кўриниши шу деб ўйлайман.

Юртимизда янгиланиш ва яратиш фаслида шундай фармоннинг эълон қилиниши миллатимиз аёлларига хайрли ва пойқадами қўтлуғ келсин. Янги фармон асосида янги ташкил этилган Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси фаолияти юртимизда хотин-қизлар масаласи давлат сиёсати даражасида эканининг амалий ифодаси бўлди. Оила тинч бўлса, аёл бахтли, бахтиёр оналар кўп бўлса, рози бўлса, қадим юртинг қадди бўкилмайди, қадри тўкилмайди... Ҳар яхши иш бошида, ҳар эзгу сўз дебючасида қайвони онамнинг хотиралари ёдимга келади...

— Ўша йиллар ҳеч ёдимдан чиқмайди. Бетоб бўлиб қолган қаддимнинг аҳволи яхшиланмади. Тўшаққа михланиб қолди. Шифо истаб бош урмаган эшик, бормаган табиб қолмади. Ҳар кунни тонгда дадам ётган уйга оёқ учиде кириб салом берадиди. Онам қайрилиб қарашга ҳоли йўқ дардамнинг бошида тун-кун андармон эди. Рўзгор-қоси беш-олти йил ётди қолганидан кейин нима бўлгани ҳаммага аён. Бир этак бола, тўнғич акам ҳам тиббиёт институтида талаба эди. Онам боя-қич жонини мингга бўларди. Аввалига сигир-буюқлар сотилди. Кейин товуқлар...кейин... Бир акам новвойга, бир акам қосибга, бириси ошпазга шогирд тушди.

Бир кун Абулжалил бобом (онамнинг отаси) эшикдан сигир етаклаб келди. Онамга, “Болдираб турибди, бугун эрта туғиб берса болаларингни оғзи оққа тегади, бировга рангинг сарғаймайди, қизим”, — деди босиқлик билан. Бир оз суҳбатлашиб ўтиргач, бобом уйга қайтди. Ҳаммамиз қувониб сигир атрофида гирён бўлардик. Аммо онамнинг кўзларида ёш қўриб қўлидан тутдим, “Умидим бор, даданг албатта, оёққа туради. Шунча фарзанд берган Эгам, уларнинг ризқи-насибаси билан яратган. Эртами ё кеч буни билиб қолса, ўқиниб дардига дард қўшлармикан...”, деди титраниб. Қалдирғоннинг поланонига ҳам нон чайнаб едирган, илоннинг ҳам инига ун қўйиб сийлаган, қумолнинг ини бузилмасин, деб дуо қилган, нон ёпса қўшиннинг ҳақини эсдан чиқармаган, сап нари кетса уйини тушида кўрадиган онамнинг ҳар сўзи оиламиз учун кўрғон эди. Ана шу муқаддас кўрғонимни соғинганимда ушбу мисраларни шивирлайман:

*Шукр, баҳор шивирлар яна,
Шоғулаган боғларда изим.
Ниҳолларим буй чўзди, мана,
Андижонда қолган илдизим...*

“Миллатнинг келажакки оналар қўлидадир”, деб ёзган эди буюқлардан буни. Бу қисқа ва лўндагина иборада аёлнинг дунё саҳнида тутган ўрни, унинг зиммасидаги шарафли бурч ва улўғ масъулият том маънода ўз ифодасини топган. Тарихий манбалар ҳам миллат кучи, Ватан озодлиги ва инсонлар бахт-саодати шу мунис зотларнинг баркамоллиги билан белгиланганидан шохидлик беради. Агар сиз бирор-бир хонадонга меҳмонга борсангиз сизни оstonада қарши олган аёлга боқиб, ўша хонадонга баҳо бера олсангиз. Агар бу ҳолни жамиятга менгзайдиган бўлса, аёллари ҳур ва эркин, заковатли, тафаккури кенг, одил ва закий, фидойи ва салоҳиятли бўлган давлатнинг эртаси порлоқ, ютуқлари бисёр, маънавиятда юксак, фаровонликда илғор бўлиши, шубҳасиз. Қаердаки, аёлнинг қадр-қиммати, обрў-эътибори юқори бўлса, ўша ерда миллатнинг қадри, куч-қудрати ҳам юксаклик сари бўй чўзади.

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

Баҳорнинг биринчи куниданок Президентимиз хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш масаласига жиддий ёндалишда, видеоселектор йиғилишида аёлларга жуда кўп имтиёзлар берилишини маълум қилди. Бундай имтиёزلардан тадбиркор сифатида бир қувонган бўлсам, аёл сифатида яна чандон севиндим.

Бундан 23 йил аввал тадбиркорлиқни ипак йиғиришдан бошлаганимиз. Ҳозир ҳам шу ишни давом эттиряпмиз, фақат янги-ча — кластер тизимида. Ўша пайт билан ҳозирги кун ўртасида осмон билан ерча фарқ бор. Аввало, тадбиркорга бугунгидек хайрихоҳ бўлиш, уни қўллаб-қувватлаш



йўқ эди. Иш ташкил қилиш учун ўзимизни анчагина қийнаганимиз. “Қумуш тола” қорхонамизда бор-йўғи 5-10 нафар аёлнинг бошини қовуштириб, бир бинони ижарага

олиб иш бошлагандик. Банкдан кредит олиш, солиқ тўлаш, экспорт масалаларида бугунгидек имтиёзлар қаерда дейсиз? Айниқса, ўша пайтларда экспортёр ташки-

ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ — ТУРМУШИМИЗ ТЎКИНЛИГИ ГАРОВИ

лотларни божхона хизматлари яхшигина қийнаб қўйган эди. Маҳсулотларимизни Эрон, Покистон, Ҳиндистон, Хитойга экспорт қилардик. Шанба, яшанба кунлари юк чиқармоқчи бўлсак, икки баробар қимматга тушганмиз. Кечки соат 18:00 дан кейин ҳам хизматлар тарифи шунқдай бўларди. Ҳозир эса четга юк чиқармоқчи бўлсак, божхонага ариза берганимиздан сўнг ярим соатга қолмай, юкимиз ҳужжатлаштирилиб, чиқиб кетаяпти. Энг муҳими, ҳафтанинг етти куниде 24 соат мобайнида нархлар бир хил, қолаверса, хизмат ҳақи қамайтирилди. Умуман олганда, бугун тадбирли тадбиркорнинг замони келди. Фаолиятимиз ривожга учун барча шароитлар яратиб берилмоқда. Эътиборлиси, бу юртимиз тараққиёти, турмушимиз тўкинлигига хизмат қилмоқда.

Аслида, ишлаб чиқариш йўналишидаги тадбиркорлик қийин иш. Пиллачилик кластерида ишни тут кўчати экишдан бошлаймиз. 400 гектар тут плантациясиз бор. 150 нафар доимий ишчига эгамиз. Пилла етиштириш мавсумида

қўшимча 8-9 минг кишини иш билан таъминлаймиз. Ипақдан газлама, кўрпа, гилам ишлаб чиқаряпмиз. Тайёр газламадан маҳсулот ишлаб чиқариш нисбатан енгил. Аммо мамлакатимизда ҳали бу ишлар чуқур йўлга қўйилмаган. Аксарият тадбиркорлар соҳада мутахассислар етишмаслигидан қийналаётганини айтди. Энди пиллачилик, пахтачилик кластерлари учун мутахассислар тайёрлаштиралиб, чиқиб кетаяпти. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 29 мартдаги “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори соҳада хотин-қизларнинг улуши янада ортishiда муҳим омил бўлди. Қарор билан уларнинг пилла етиштириш мавсумидаги ишлари бир йиллик иш стажига ҳисобланадиган бўлди. Ҳам меҳнат стажига эга бўлиш, ҳам солиқдан озод қилиниши имконияти хотин-қизларга нисбатан ғамхўрликнинг бир кўринишидир.

Айни пайтда салоҳиятли саноат қорхонасига айланиб, туманда ўз ўрнинини тонади. Бугунга чет эллик дизайнерлар билан янада қийнандан ишлаб, янги-янги турдаги маҳсулотлар чиқаришга ҳаракат қиляпмиз. Бу борада юртимизда хотин-қизларга, аёл тадбиркорларга яратилган шарт-шaroитлардан, албатта, унумли фойдаланамиз. Бунинг учун эса давлатимиз, Президентимизга миннатдорлик билдираман.

Момом ипак қурти мавсуми бошланган кезлар “Меҳнатлари аъло бўлса, ишлари тилло бўлур”, дея кўп таъкидларди. Бугун меҳнат қилиб барака топадиган, изланишларимиз, ташаббусларимиз қадрланадиган замон келди. Топганимиз фарзандларимизни илм-маърифатли қилишга, тўйларга, яхши кунларга буюрсин!

Марям НИЯЗОВА,
тадбиркор

Самарқанд вилояти
Каттақўрғон тумани

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 653.

88510 нуҳсада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими А2.** Баҳоси келишилган нарҳда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Аваз Худойкулов
Мусахҳис: Малюхат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўза Яқуни — 21:46 Топирилди — 00:45

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz